

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ИНСТИТУТИ, ЧОРВАЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИННИ БЕРУВЧИ 14.07.2016 Qx/V25.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАВЛАНОВ САБИРЖАН ИБАДУЛЛАЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ҲАЙВОНЛАРИНИ
ЭКТОПАРАЗИТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ
УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**03.00.06 – Зоология
(ветеринария фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ХУЖЖАТЛАРИ

САМАРҚАНД – 2016

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation**

Мавланов Сабиржан Ибадуллаевич Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини эктопаразитлардан ҳимоя қилишнинг янги усусларини яратиш	3
Мавланов Сабиржан Ибадуллаевич Разработать новые методы защиты сельскохозяйственных животных от эктопаразитов	27
Mavlanov Sabirjan Ibadullaevich Development of new methods to protect agricultural animals from ectoparasites	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	74

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ИНСТИТУТИ, ЧОРВАЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИННИ БЕРУВЧИ 14.07.2016 Qx/V25.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАВЛАНОВ САБИРЖАН ИБАДУЛЛАЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ҲАЙВОНЛАРИНИ
ЭКТОПАРАЗИТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ
УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**03.00.06 – Зоология
(ветеринария фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД – 2016

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/b2014.5.v.18 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samqxi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Рўзимурадов Ахрор Рўзимурадович
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Азимов Джалалиддин Азимович
биология фанлари доктори, профессор,
ЎзР Фанлар академияси академиги

Салимов Бури Салимович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Иzzатуллаев Зубайдулло Иzzатуллаевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Л.М.Исаев номидаги Тибий паразитология илмий-
тадқиқот институти**

Диссертация химояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти хузуридаги 14.07.2016Qx/V25.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2016 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: saainfo2@edu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй.

Диссертация автореферати 2016 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2016 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Б.Давлатов,
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, в.ф.д., профессор

Н.Б.Дилмуродов,
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, в.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев,
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, в.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда зоофил ҳашаротлар ва эктопаразитларга қарши қурашда биологик усуллардан фойдаланиш, микробиологик ва ўсимлик асосига эга бўлган пиретроид препартларни қўллаш борасида АҚШ, Германия, Чехия, Канада, Ҳиндистон ва Россия каби давлатларда муайян натижаларга эришилмоқда. Зоофил ҳашаротлар ва каналар экто- ва эндопаразитлар сифатида ҳайвонлар ҳамда одамлар танасида паразитлик қилиб инфекциялар, яъни паразитоз касалликлар (энтомоз ва акарозлар) чакиради ва натижада чорва қорамолларнинг сут маҳсулдорлигини 30-40 фоизгача, гўшт маҳсулдорлигини йилига 10-12 килограммга камайтириб, айниқса, ёш молларнинг ўсиш ва ривожланишдан қолиб нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Республикамида чорва ҳайвонларини зоофил ҳашаротлар ва эктопаразитлар билан заарланишини камайтириш, уларни даволаш, олдини олиш ва қарши қурашишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу зааркунандаларни чорва молларига турли хилдаги юқумли ва инвазион касалликлар юқтириши оқибатида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ривожланишдан орқада қолиши, маҳсулдорлигининг кескин камайиши ва оғир касалланиш натижасида мажбуран сўйилиши ва нобуд бўлиш ҳолатлари олди олинмоқда. Чорвачилик субъектларида касаллик тарқатувчи зоофил ҳашаротлар ва зааркунандаларни йўқотиш ва уларга қарши қурашишда замонавий усул ва пиретроид асосидаги препаратлар қўлланилмоқда.

Дунёning турли минтақаларидаги зоофил ҳашаротларга қарши қурашишда кимёвий воситаларнинг чорва моллари организми резистентлигига ҳамда экологияга салбий таъсир этиши билан бирга касаллик қўзғатувчи зааркунандаларнинг мослашиши ва кенг тарқалишига имкон яратади. Шундан келиб чиқиб, зоопаразитларга қарши қурашишнинг биологик ва интеграция тизимини ривожлантириш, экология, одамлар ва ҳайвонлар организмига, фауна ва фойдали флорага безарап биологик, экологик ва бошқа оптималь усул ва воситаларини тадқиқ ва жорий қилиш зарурияти янада кенгаймоқда. Бу борада фойдали энтомофаглардан кенгроқ фойдаланиш, янги турдаги юқори самарали микробиологик ва пиретроид асосга эга препаратлар яратиш ҳамда уларнинг турли янги замонавий ҳамда такомиллашган препаратив шаклларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Чорва ҳайвонларининг зоофил ҳашаротларига қарши самарали энтомофагларни аниқлаш, уларни кўпайтириш ва қўллаш ҳамда эктопаразитларга қарши микробиологик усул ва пиретроидларни қўллаш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, ¹University of California Riversiede, University of Washington (АҚШ), Division of Microbiology of Infections Diseases, Western Australian Centre for Pathology and Medical Research (Австралия), Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine (Германия), University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences (Чехия), Бутунrossия санитария, гигиена ва экология илмий-тадқиқот институти, Бутунrossия гельминтология илмий-тадқиқот институти (Россия), Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Ветеринария илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Чорвачиликда микробиологик усуллардан фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: зоофил ҳашаротларга фойдали энтомофагларни қўллаш, уларни саноат усулида кўпайтириш, эктопаразитларига қарши экологияга ва табиатга безарар микробиологик ва фитопиретроид препаратларни қўлланилган (University of California Riversiede, University of Washington, University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences); битоксибациллин препаратини қишлоқ хўжалик ҳайвонларини касаллик тарқатувчи каналарига қарши қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine); зоофил ҳашаротларни чорвачилик фермаларида қўллаш; бактериал препаратларнинг ҳашарот ва каналарга таъсир механизми аниқланган (Division of Microbiology of Infections Diseases, Western Australian Centre for Pathology and Medical Research); чорва молларининг зоофил ҳашаротларига қарши пиретроид препаратларнинг самарадорлиги ва аэрозол усулда қўллаш схемалари ишлаб чиқилган (Бутун Россия санитария, гигиена ва экология илмий-тадқиқоти институти, Бутунrossия гельминтология илмий-тадқиқот институти);

Бугунги кунда дунёда зоофил ҳашаротларга қарши фойдали энтомофагларни қўллаш, уларни саноат усулида кўпайтириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фойдали энтомофагларни паррандачилик ва чўчқачилик фермаларида

¹ www.umich.edu; www.wur.nl; www.universities.com; www.tulane.edu; <http://www.dissert.com.content>; www.uni-sz.bg/vmf/bjvmhtm; www.vfu.cz/acta-vet/actavet.htm

қўллаш; бактериал препаратларнинг бўғимоёқлилар танасига кириш йўллари, микробиологик препарат *Bacillus thuringiensis* бактерия штаммини ҳайвонларнинг иксод каналарига қарши қўллаш; пиретроид препаратларни эктопаразитларга қарши курашишда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чорвачилик фермаларида энтомофаглар биоэкологиясини ўрганиш бўйича хорижий мамлакатларда бирмунча тадқиқотлар ўтказилиб, маълум ютуқларга эришилган. Жумладан, АҚШ, Германия ва Европанинг бошқа бир қатор мамлакатларида (P.De Bach, E.F.Legner, G.D.Thomas, E.C.Bay, G.S.Olton). МДҲ давлатларида бу йўналишда баъзи фаунистик тадқиқотлар олиб борилиб (А.Н.Романов, О.Л.Крижановский, М.Н.Никольская, В.И.Сычевская, М.А.Прудникова), чорвачиликда зоофил ҳашаротларга қарши курашишда уларнинг кушандаларидан фойдаланиш тажрибалари ўтказилмаган.

Ўзбекистонда барча турдаги зоофил ҳашаротларнинг кушандаларини ўрганиш борасида илмий-назарий натижаларга эришилган (А.Рўзимуродов, Н.Азизов, М.Холбаев, С.Мавланов). Чорвачиликка катта зиён келтираётган *Musca domestica vicina*, *Stomoxyx calcitrans*, *Muscina stabulans* ва бошқа турдаги зоофил ва синантроп чивинларга қарши курашишда самарали қўлланилиши мумкин бўлган энтомофаг турлари (*Spalangia nigroaenea*, *Muscidifurax raptor*, *Spalangia cameroni*) аниқланган.

Ҳайвонларнинг эктопаразитларига қарши микробиологик ва пиретроид препаратларни қўллаш борасида жорижда (S.M.Saleh, R.W.Miller, R.A.Smith, D.W.Watson, J.B.Jespersen, J.Keiding), МДҲ давлатлари ва Республикамизда З.Решетняк, Р.В.Ребенюк, А.Рўзимуродов, А.М.Дубицкий, А.Ф.Ромашева, Н.С.Асилбаева, Х.Халилов, Д.Вохидова, З.Мардиев, Э.Қўшчановлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу препаратларни республикамизда паррандалар эктопаразитлари ҳамда зоофил чивинлар личинкаларига қарши қўллаш тавсия этилган.

Лекин, самарали энтомофагларни қўпайтириш ва чорвачиликда зоофил ҳашаротларга қарши курашиш, микробиологик ҳамда пиретроид препаратларни ҳайвонларнинг эктопаразит ва эстроз касалликларига қарши қўллаш борасида етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №24 PL-480 «Разработать биологические методы борьбы с зоопаразитами и переносчиками возбудителей трансмиссивных болезней сельскохозяйственных животных в животноводстве Узбекистана» (2003-2005 й.); А-11-083 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини муҳим паразитар (гематопинидозлар, рипицефалёз ва бошқа.) касалликларининг эпизоотологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши курашнинг янги экологик хавфсиз усулларини тадқиқ қилиш» (2006-2008 й.); 4Ф «Зообиоценозлар биологик мақбуллаштириш усулларини ривожлантириш» (2007-2011 й.); ҚХА-10-025 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг янги паразитоз касалликларига қарши курашнинг экологик хавфсиз усул ва

воситаларини яратиш» (2009-2011 йй.); ҚХА-9-096 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини зоопаразитоз ҳамда хавфли трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилишнинг янги самарали усул ва воситаларини яратиш» 2012-2014 йй.) ва ҚХА-9-028 «Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини хавфли паразитоз ва табиий ўчоқли трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилишнинг янги экологик безарар, тежамкор ва самарали воситаларини тадқиқ ва жорий йилиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидағи фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чорвачилик хўжаликларида кўп учрайдиган ва соҳа ривожига жиддий заарар келтирадиган зоофил ҳашаротлар ва эктопаразитларга қарши экологияга, табиий флорага ҳамда ҳайвонлар организми учун безарар бўлган янги восита ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чорвачиликда зоопаразитларга қарши курашишда янги самарали энтомофагларни аниқлаш ва уларни кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш;

микробиологик штамм «ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини чорвачиликда қўйларнинг эктопаразитлари ва эстрозига қарши курашишда қўлланилишини илмий-экспериментал жиҳатдан исботлаш;

маҳаллий штамм «ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини инсектицидлик хусусиятларини аниқлаш;

ўсимлик пиретроиди 25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратини чорвачиликда шохли молларнинг эктопаразитлари ва қўйлар эстрозига қарши қўлланилишини илмий-экспериментал жиҳатдан исботлаш;

ўсимлик пиретроиди 25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратини чорва молларининг зоофил ҳашаротлари ва эктопаразитларига қарши қўлланиладиган ҳамда чорвачилик бинолари ва қўтонларни дезинсекция қилишда фойдаланиладиган мақбул концентрация ва дозаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Республикаиздаги чорвачилик фермаларидағи копробионтлар, зоофил ҳашаротлар, уларнинг личинкалари, ғумбаклари ва энтомофаглар, шунингдек, 700 бошдан ортиқ қоракўл, меринос зотларидағи ва маҳаллий қўйлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қорамолчилик фермаси, қўтонлар, гўнгхоналар, зоофил ҳашаротлар, энтомофаглар ва тадқиқотлар жараёнида тажрибалардаги «ЎзВИТИ М №1» биоинсектициди ва 25 фоизли маҳаллий циперметрин препарати бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Зоофил ҳашаротлар кушандалари, уларнинг личинкалари ва ғумбаклари сони экологик, энтомологик усуллар ёрдамида аниқланди. Энтомофагларни оиласи, авлоди ва тури М.Н.Никольский, Г.С.Медведев, зоофил ҳашаротлар турлари А.А.Штакельберг, В.Н.Беклемишев, Г.Я.Бей-Биенко муҳаррирларидаги тузилган аниқлагичлар ёрдамида аниқланди. S.cameronі кушандасини морфологияси, жинсий органлари, тухуми, барча ривожланиш босқичлари ва бошқа аззоларининг тузилиши морфологик, микроскопик усулларда аниқланди. Тадқиқотлар

натижалари (биометрик маълумотлар) вариацион статистика усулида (И.Ф.Рокицкий) ҳисобланди. Бактериал препаратларни культурал-морфологик белгилари, биокимёвий, патогенлик хусусиятлари ва микроскопик тадқиқотлар Возняковская ва бошқа. усулидан фойдаланган ҳолда Битоксибациллин маҳаллий штаммларини ажратиш (Д.Вахидова усули). Зоофил ҳашаротларнинг жинси ва сони МБС-1, МБИ-1 микроскоплар ёрдамида, ўлган эктопаразитларнинг миқдори (фоизи, сони) Аббат формуласида ҳисобланди. Циперметринни 25 фоизли эмульсиясининг инсектицид самарадорлиги Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда А.А.Непоклонов ва Г.А.Таланов, С.Д.Павлов, БССТ (2000) томонидан тузилган услубий ишлланмалардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

зоофил ҳашаротларга қарши курашишда қўлланилиши мумкин бўлган энтомофаглар янги турлар билан бойитилди ва уларнинг 19 та тури ҳамда муҳим турлар (*Spalangia cameroni*) биологияси аниқланган.

самарали энтомофаглардан биоматериал олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Bacillus thuringiensis var.*thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» маҳаллий бактерия штаммини кўпайтириш усуслари ишлаб чиқилган;

Bacillus thuringiensis гуруҳига мансуб бўлган бактериялар маҳсулоти (продуценти) – биоинсектициднинг юқори энтомоцид хусусиятга эгалиги аниқланган;

«ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини қўйларнинг эктопаразитлари ва эстроз касаллигига қарши самарадорлиги аниқланган;

экспериментал тадқиқотлар натижасида 25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратини қўлланиш доираси кенгайтирилган (зоофил ҳашаротларга, эктопаразитларга нисбатан);

25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратининг чорва ҳайвонларининг эктопаразитларига нисбатан инсектицид фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

илмий тадқиқотлар натижасида чорвачилик фермаларида кенг тарқалган зоофил ҳашаротларга қарши самарали қўллаш мумкин бўлган энтомофаглар турлари аниқланган ва уларни амалиётда қўллаш учун биоинсектицид тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий штамм «ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини қорамол ва қўй-эчкилар эктопаразитлари ва эстроз касалликларига қарши қўллаш усуслари яратилган ва самарадорлиги аниқланган;

қорамол ва қўйларни эктопаразитларга қарши дорилаш ҳамда чорвачилик бинолари ва қўтонларни дезинсекция қилиш учун 25 фоизли маҳаллий циперметрин препаратининг самарали дозалари ва концентрациялари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуг ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, морфологик, паразитологик, энтомологик, бактериологик усуслардан фойдаланиш ва бошланғич

маълумотларга ишлов бериш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, шунингдек, лаборатория ва дала тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳолангандиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти чорвачиликда зоопаразитлар ҳамда улар томонидан қўзғатиладиган ва тарқатиладиган паразитоз ва хавфли трансмиссив касалликлардан ҳимоя қилишнинг экологияга, инсон ва ҳайвонлар организмига, фойдали фауна ва флорага безарар бўлган оптималь интеграция тизимини ишлаб чиқиш ҳамда фойдали ҳашаротлар ва микроорганизмлардан биоинсектицид тайёрлаш технологияси, маҳаллий циперметриндан самарали фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти чорвачиликда зоофил ҳашаротларга қарши самарали энтомофагларни амалиётда қўллаш учун кўпайтириш технологияси, «ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини ҳамда 25 фоизли циперметрин препаратини қорамол ва қўй-эчкиларни эктопаразитларига қарши кураш самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чорва ҳайвонларининг зоофил ҳашаротлари ва эктопаразитларига қарши кураш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг эктопаразитларига қарши қўллаш учун маҳаллий штамм *Vac.thuringiensis* var.*thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» биоинсектицидини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (№IAP 02942, 2005);

чорва молларининг эктопаразиларига қарши курашиш ва олдини олиш бўйича чорвачилик фермер хўжаликлари учун «Циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясини чорвачиликда экто ва эндопаразитларга қарши қўллаш ҳакида» тавсиянома ишлаб чиқилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 16.11.2016 й., №48/4-1714-сон маълумотномаси).

«ЎзВИТИ М №1» бактерия штаммидан биоинсектицид олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда битоксибациллин препарати Паркент туманидаги «Бойқозон» хўжалигидаги чорвачилик фермасида, Сайхунобод туманидаги «Мусо-ота» ва «Бешбулоқ» фермер хўжаликларидаш қўйларда эктопаразитоз ва эстроз касалликларини даволашда жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 9.11.2016 й., №18/1-1689-сон маълумотномаси). Бунда, битоксибациллин препаратини қўллаш натижасида қўйларнинг эктопаразитоз ва эстроз касалликларига қарши 90-95 фоиз даволаш самарадорлигига эришилган ва ўсиш кўрсаткичи 12-15 фоизга ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари хар иили Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг кўрикдан ўтказиш комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳолангандиги, лаборатория ҳисботлари институтнинг илмий ва илмий-техник

кенгашларида мухокама қилинган.

Шунингдек, 10 та илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган, жумладан, 4 та халқаро миқёсдаги, Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИ ташкил этилганлигининг 70 йиллигига бағишланган Халқаро илмий - амалий конференцияда (Самарқанд, 2000), Тошкент Давлат Аграр Университетининг 70 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференцияда (Тошкент, 2001), Ўзбекистон ветеринария ИТИ ташкил этилганлигининг 75 ва 80 йилликларига бағишланган Халқаро илмий конференцияларда (Самарқанд, 2001, 2006); «Роль ветеринарной науки и практики в эффективном развитии животноводства» (Алматы, 2012). Ишланмалар 2008-2015 йилларда Республика инновацион ғоялар, технологиилар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та жумладан, 15 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг зоофил ҳашоратлари ва эктопаразитларига қарши кураш бўйича илмий манбалар шархи**» деб номланган биринчи бобида синантроп ва зоофил чивинларни ер юзида тарқалиши ва уларни инсониятга, айниқса чорвачилик ривожига салбий таъсир, зоофил чивинлар энтомофагларининг (йиртқич ва паразитлар) тарқалиши, ривожланиши, бактериал инсектицидларни, микробиологик ва пиретроид препаратларни ўрганилиш ҳолати бўйича хориж ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий ишлар натижаларини қисқача таснифи келтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатаяпти, ҳозирги кунгача чорвачилиқда зоофил чивинларга қарши курашишда энтомофаглардан амалда фойдаланиш учун биологик маҳсулот олишнинг саноат усули жорий этилиши лозим, *Bacillus thuringiensis* гуруҳидаги энтомопатоген бактерияларни заарли ҳашаротлар ва каналарга қарши курашишда қўллаш учун биоинсектицид ишлаб чиқариш

жараёнини йўлга қўйиш керак. Ҳайвонларнинг кенг тарқалган эктопаразитларига қарши қўллаш борасида маҳаллий циперметрин препаратини Навоий электро кимё заводида ишлаб чиқарилишни кучайтириб инсектицидлар арсеналини ривожлантириш керак.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, обьекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот обьекти қилиб, Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Арахноэнтомология лабораторияси ҳамда Тошкент вилояти Паркент туманидаги Бойқозон хўжалиги, Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани Ҳиссадорлик жамияти сут-товар фермаси, Кўшработ туман Эргаш Жуманбулбул номли хўжалик ҳамда Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги Ўзбекистон хўжалигининг чорвачилик ҳамда «Мусо-ота» ва «Бешбулқ» фермер хўжаликларидағи қўйлар танлаб олинган.

Тадқиқотларда таъкидланган хўжаликларда зоофил ҳашаротлар ва уларнинг энтомофагларини (кушандалари) фаунаси, мавсумий динамикаси, экологияси, тарқалиш ва энтомофаглар билан заарланиш даражаси, энтомофагларни кўпайиш биологияси, морфологияси, кўпайтириш технологияси, уларни қўллаш самарадорлиги, микробиологик препаратларни (хорижий ва маҳаллий) ва маҳаллий циперметрин пиретроид препаратини чорва ҳайвонларининг эктопаразитлари ва эстроз касалликларига қарши қўллаш усул ва чора-тадбирлари ўрганилди.

Диссертациянинг «**Чорвачилик фермаларида зоофил ҳашаротларга қарши энтомофаглар ёрдамида қурашиш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган экологик стацияларда зоофил ҳашаротлар ва уларнинг энтомофагларини фаунаси, экологияси, тарқалиши борасидаги ҳамда самарали энтомофаг *S.cameronii* нинг ривожланиш биологияси, морфологик кўрсаткичлари, энтомофаг ва уларнинг хўжайнинларини лаборатория шароитида кўпайтириш ва қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Энтомофаглар фаунаси ер юзида 1,5 миллиондан ортиқ заарли ҳашаротлар мавжуд бўлиб, табиатда ҳар бир жонивор ўз кушандасига эга бўлгани каби уларнинг ҳам 10 минг турдан ошиқ кушандалари учрайди. Жумладан, йиртқич ва паразит бўғимоёқлилар заарли ҳашаротларнинг табиий кушандалари бўлиб, уларнинг биологик мувозанатида катта роль ўйнайди. Биологик - усул фойдали паразит ва йиртқичлардан, микроорганизмлардан, фитоасосли пиретроидлардан фойдаланиб заарли популяцияларни регуляция қилиш ёки улар сонини иқтисодий безарап даражада сақлашнинг арzon, қулай экологияга безарап усул ва воситаларини яратишидир.

Шундай экан, фойдали энтомофаг ва кушандалар популяцияларига токсик таъсир қилмайдиган, фитоасосли (пиретроид) ва микробиологик инсектицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Бунда, биологик хилмахилликни асраш, турлар биомувозанатини таъминлаш муҳим регуляторлик аҳамият касб этади.

Паразитлар - тирик мавжудотлар бўлиб ўзидан йирикроқ ҳайвонларнинг экто-ва эндопаразитлариdir. Улар ўлжа хужайраси ёки суюқликлари билан

озиқланадилар. Паразитлар ўз хўжайинларини заарлаш ва ривожланиш хусусиятига қараб икки гурухга ажратилади:

1.Хашарот личинкаларини заарлаб, ўз ривожланишини уларнинг ғумбакларида якунлайдиган паразитлар (1-жадвал);

2.Хашарот ғумбакларини заарлаб ривожланишини ҳам уларнинг ғумбакларида якунлайдиган паразитлар (1-жадвал).

1-жадвал.

Зоофил чивинлар ғумбагидан топилган паразитлар

T.р.	Личинка паразитлари	Фоиз	Хўжайинлари
1.	Hymenoptera - Пардақанотлилар Braconidae - оиласи		R.striata F., B.melanura Mg.
2.	Aphaereta minuta Nees	10,3	B.haemorrhoidalis FlIn.
	Aphaereta difticilis Nixon		B.melanura Mg.
3.	Ichneumonidae - оиласи		R.striata F., B.melanura Mg.,
4.	Atroctodes sp. n.		B.haemorrhoidalis FlIn.
	Stilpnus sp.n.		R.striata F.
5.	Eucoilidae - оиласи	24,2	R.striata F., B.melanura Mg.,
	Eucoila trichopsila hartig		B.haemorrhoidalis FlIn.
6.	Chalcididae - оиласи	65,5	R.striata F., B.melanura Mg.,
7.	Brachymeria minuta L.		B.haemorrhoidalis FlIn.
	Brachymeria sp.n.		B.haemorrhoidalis FlIn.
		100	

Гумбак паразитлари

8.	Pteromalidae Spalangiidae - оиласи Spalangia cameroni Perkins	14,8	M.d.vicina Macq. M.stabulans FlIn. S.calcitrans L.
9.	Spalangia subpunctata Foerster	8,6	S.stercoraria l.
10.	Spalangia nigroaenea Curtis	47,8	M.d.vicina Macq., M.stabulans FlIn., S.calcitrans L., M.autumnalis Deg., F.canicularis L., P.cadaverina F., O.caesarion Mg., R.striata F.
11.	Spalangia endius	1,1	M.d.vicina Macq., S.calcitrans L., F.canicularis L.
12.	Spalangia rugulosa	0,4	M.stabulans FlIn., O.capensis W., S.calcitrans L.
13.	Spalangia nigripes	0,3	L.irritans I., M.d.vicina Macq., S.calcitrans L.
14.	Spalangia nigra	0,3	M.d.vicina Macq., S.calcitrans L.
15.	Pteromalidae - оиласи Muscidifurax raptor Girault et Saunders	24,7	M.d.vicina Macq., P.cadaverina F.
16.	Diapriidae - оиласи Trichopria sp.		S.calcitrans L.
17.	Torymidae - оиласи Monodontomerus sp.n.		M.stabulans FlIn.
18.	Coleoptera - Қаттиқ қанотлилар Staphylinidae - оиласи Aleochara bipustulata l.	1,8	M.d.vicina Macq., R.striata F., M.autumnalis Deg.
19.	Aleochara spp.n.	0,2	R.striata F., B.melanura Mg., B.haemorrhoidalis FlIn., M.d.vicina Macq., M.autumnalis Deg., F.canicularis L., O.caesarion Mg., M.stabulans FlIn., Morellia simplex Lw.
		100	

Ушбу жадвал Н.Азизов (1973), Г.А.Викторов (1976), А.Рўзимуродов, Н.Азизов (1987), М.Холбоев (1990) маълумотлари ва услубларидан ижодий фойдаланилган ҳолда бойитилиб тузилди.

Тадқиқотларда личинка паразитлари орасида *Brachymeria minuta* доминантлик қилиб, жами терилган личинка паразитларининг 65,5 фоизини, *Eucoila trichopsila* 24,2 фоиз, *Aphaereta minuta* 10,3 фоиз миқдорида қайд қилинб, жами топилган энтомофагларнинг 6,5 фоизини ташкил қилди.

Ғумбак паразитлари зообиоценозларда (иккиласмичи биоценозларда) кенг тарқалган бўлиб, улар орасида *Spalangia nigroaenea* тури доминантлик қилиб, паразитларнинг 47,8 фоизини ташкил этди. *Muscidifurax raptor* 24,7 фоиз, *Spalangia cameroni* 14,8 фоиз, *Spalangia subpunctata* 8,6 фоиз учрайди. Қолган турлар 4,1 фоизни ташкил этди. Тадқиқотлар давомида жами терилган энтомофагларнинг 93,5 фоизи ғумбак паразитлари эканлиги аниқланди.

Қорамолчилик фермалари шароитида тарқалиши бўйича *Spalangiinae* кенжа оиласи вакиллари 71 фоиз, *Pteromalinae* кенжа оиласи 22,4 фоиз, *Chalcididae* оиласи 5,5 фоизни, *Braconidae*, *Eucoilidae*, *Staphylinidae* турлари 1,1 фоизни ташкил этди (2-жадвал).

Тадқиқотлар давомида чорвачилик фермаларидан жами бўлиб 19 турдаги паразит топилиб, улардан 7 тури зоофил чивин личинкаларини, 12 тури эса уларнинг ғумбакларини заарлайди (1-жадвал). Бу паразитлар орасида *Spalangia* турлари кўп сонликни ташкил этди.

Чорвачилик фермаларидан топилган барча паразитларни уларнинг биотопларда учраш даражасига қараб қуидаги 3 гурухга бўлиш мумкин:

1. Доминант турлар – *S.nigroaenea*;
2. Субдоминант турлар – *M.raptor*, *S.cameronii*;
3. Кам учровчи турлар – *B.minuta*, *S.endius*, *S.rugulosa*, *S.nigripes*, *S.subpunctata*, *A.minuta*, *E.trichopsila*, *A.bipustulata*, *S.nigra*, *A.spp.*, *A.difticilis*, *Brachymeria sp.*, *Atroctodes sp.*, *Stilpnus sp.*, *Trichopria sp.*, *Monodontomerus sp.*

2-жадвал

Қорамолчилик фермаларида паразитлар оиласлари бўйича тарқалиши

Т.р.	О и л а л а р	Миқдори, фоиз
1.	<i>Spalangiinae</i>	71,0
2.	<i>Pteromalinae</i>	22,4
3.	<i>Chalcididae</i>	5,5
4.	<i>Braconidae</i>	0,3
5.	<i>Eucoilidae</i>	0,3
6.	<i>Staphylinidae</i>	0,5
Жами		100

S.nigroaenea 8 турдаги хўжайинларни (ўлжа) (*M.d.vicina*, *M.stabulans*, *M.autumnalis*, *F.canicularis*, *S.calcitrans*, *P.cadaverina*, *O.caesarion*, *R.striata*); *S.cameronii* хўжайинларни 3 турини (*M.d.vicina*, *M.stabulans*, *S.calcitrans*); *M.raptor* эса 2 турга оид хўжайинларни (*M.d.vicina*, *P.cadaverina*) заарлаши

аниқланди. Қолган ғумбак паразитлари жами бўлиб 10 турдаги хўжайинларнинг (*M.d.vicina*, *M.stabulans*, *M.autumnalis*, *F.canicularis*, *O.caesarion*, *M.simplex*, *R.striata*, *B.haemorrhoidalis*, *B.melanura*, *S.stercoraria*) ғумбакларини заарлаши аниқланди.

Биз ўз тадқиқотларимизда чорвачилик фермаларида тарқалиши бўйича доминант ва субдоминант турлар ҳамда келажакда истиқболли деб қараш мумкин бўлган *S.nigroaenea*, *M.raptor* ҳамда *S.cameroni* ларнинг учраши, тарқалиши, биологик хусусиятлари, морфологик белгилари ва заарли ҳашаротларга қарши амалиётдаги самарадорлигини ўрганиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

***Spalangia cameroni* Perkins** (Pteromalidae оиласи, *Spalangiinae* кенжа оиласи, *Spalangia Latreille* авлоди) чорвачилик фермаларида тарқалган жами паразитларнинг 14,8 фоизини ташкил этди. Қорамолчилик фермаларида апрель ойининг охиридан декабрнинг бошларигача фаол ҳолатда учрайди. Бу кушанда ёз ва куз ойларида бошқа мавсумларга нисбатан кўпроқ учрайди. Баҳор ойларида терилган намуналарда улар май ойида кўпроқ учраши намоён бўлди (6,2 фоизгача). Май, июнь охири ва июль ойлари бошларида турнинг кўпая бориши кузатилиб, текширилган намуналарда уларни микдори янада ошиб август ойида 10,5 фоизгача етиши аниқланди.

***Spalangia nigroaenea* Curtis** (Pteromalidae оиласи, *Spalangiinae* кенжа оиласи, *Spalangia Latreille*, 1805 авлоди) 10 га яқин зоофил чивин турларида паразитлик қилади. Паразит йилнинг февраль оидан ҳаракатланиб ноябрь оигача учрайди. Кушанда билан қуруқ гўнгдаги *M.d.vicina* ғумбакларининг юқори даражада заарланиши майнинг охири ва июнь ойининг бошларида кузатилади (17,7 фоиз), кейин бу кўрсаткич пасайиб куз ойларига келиб яна кўтарилади. Кушанда намлиги 60-70 фоиз, ҳарорати ўртacha ($26-28^{\circ}\text{C}$) бўлган гўнгларда кўпроқ (60-62 фоиз), аксинча намлиги паст (20-30 фоиз), ҳарорати юқори ($34-36^{\circ}\text{C}$) гўнгларда кам (5-7 фоиз) учрайди. Нам сомон аралаш қорамол гўнгидаги ғумбаклари кушанда билан июлнинг учинчи декадасида ва август ойининг иккинчи декадасида 41 ва 43 фоизгача заарланади. У сентябрь-октябрь ойларида ҳам кўп учрайди.

***Muscidifurax raptor* Girault et Saunders** (Pteromalidae оиласи, *Pteromalinae* кенжа оиласи, *Muscidifurax* Girault at Saunders, 1910 авлоди) чорвачилик фермаларида тарқалиши бўйича *S.nigroaenea* энтомофагидан кейинги ўринда турувчи зоофил чивинларининг ғумбак паразити бўлиб, 2 турдаги заарли чивинларнинг кушандаси ҳисобланади, кўпроқ намлиги паст (20-30 фоиз), ҳарорати юқори ($35-37^{\circ}\text{C}$) бўлган гўнгларда ўз ўлжасини заарлайди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики тадқиқотлар давомида *S.nigroaenea*, *M.raptor*, *S.cameroni* кўпроқ синантроп ва зоофил чивинлари ғумбакларини заарлаб биотенглик, биотурғунлик, биоценотик аҳамият касб этади. Шундай экан, зообиоценозларда таъкидланган зоофил ҳашаротларга қарши курашишда уларнинг паразитлари *S.nigroaenea*, *M.raptor*, *S.cameroni* лардан биологик кураш воситаси сифатида биохилмахилликни, экологияни, эпидемиологик осойишталикни муҳофаза қилишда фойдаланиш мумкин.

Бу самарали энтомофаглар паррандачилик фермаларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, уларни ушбу ҳудудлардаги зоофил чивинлар сонини камайтиришда ҳам кенг қўллаш мумкинлиги хақида маълумотлар бор. Улар нафақат ҳайвонлар тезаги, балки очик муҳитдаги инсон нажасларида кўпаювчи ҳашаротлар ғумбакларида ҳам ривожланиб биоценотик қулай муҳит яратишида муҳим (биосанитар) роль ўйнайди.

Самарали энтомофаглар биологияси. *Spalangia cameroni* - кушанда онтогенези икки босқичда, яъни эмбрионал (тухум ичида) ва постэмбрионал (тухумдан чиққандан кейинги) ривожланиш йўли билан кечади. Постэмбрионал ривожланиш босқичида бу кушанда тўлиқ метаморфозали ўзгаришларни (*Holometabola*), яъни 3-та личинка, ғумбак (паразит пилласи ичида) ва имаго турланиш (превращение) босқичларини ўтайди.

S.cameroni нинг ривожланиш биологияси қўйидаги кечади: тухум даври 2 кун, биринчи ёшдаги личинка босқичи 5 кун, иккинчи ёшдагиси 3 кун, учинчи ёшдагиси 5 кун, ғумбак олди даври 2 кун, ғумбак даври 15 кун давом этади. Ушбу ривожланиш даврлари урғочи кушандани ғумбак даврида яна уч ва ундан кўп кунга чўзилиши аниқланди ($24\text{-}26^{\circ}\text{C}$ даражада).

S.cameroni тухуми (1-расм) бошқа шу авлодга мансуб бўлган турларнинг тухумларидан анча фарқ қиласи: а) ҳажми кичикроқ ($0,496 \times 0,197$ мм), ўзаги (ядроси) ёйилган (диффуз) ҳолда бўлади, в) олдинги оқиш қисми, энсиз марказий оқ қисми, кейинги ёруғ ва тиник бўлмаган оралиқ қисмларга бўлинган. Кушанданинг ривожланиш босқичи *S.nigroaenea* га қараганда бироз узоқ давом этади.

Биринчи ёшдаги личинка (2-расм) гименоптероид типда, чўзинчоқ, олдинги қисми камроқ, кейинги қисми кўпроқ торайиб юмалоқлашган (бодринг шаклида) кўринишида. Тухумдан янги чиққан личинка оқиш тусда, яланғоч (туксиз) хитин қобиғ билан ўралган, бош қисмида дорсал (устки) юмшоқ қопқоғичи (парда) бўлади. Кушанда эндопаразит бўлганлиги туфайли ўзларининг ўлжа-хўжайинларини (пилласи ичида, ғумбак танасида) ичида яшайди, оёқлари бўлмайди ва ғумбак ичида айланиб ҳаракат қиласи. Бу ёшдаги личинка ҳарорат $24\text{-}26$ даражада бўлганда $2,5\text{-}3$ кунда учинчи ёшга айланади, личинка танасининг ўртача катталиги $1,55 \times 0,90$ мм.

Иккинчи ва учинчи ёшдаги личинкалар ташқи томони нотиник, ички томондан қорамтирилган кўринишида. Учинчи ёшдаги личинкаларни танасининг ён тарафидаги ўн бир жуфт бўртиқчалари ёрдамида фарқлаш мумкин. Личинка танасининг умумий ўртача катталиги $2,60 \times 1,60$ мм, ҳарорат $24\text{-}26^{\circ}\text{C}$ даражада 4-5 кунда уч ёшга тўлади.


Шундай қилиб, ҳар хил ёшдаги *S.cameroni* личинкаларини бир биридан морфологик ўзгаришлар билан фарқ қилиши аниқланди: а) биринчи ёшдаги личинкаларда бўртиқчалар бўлмайди, иккинчи ёшдаги личинкаларда бўртиқчалар ўрни (изи) кўрина бошлайди, учинчи ёшдагисида бўртиқчалар яхши тараққий этган бўлади; б) трахея тизими биринчи ёшдаги личинкада ривожланмаган бўлса, иккинчи ёшдагисида у аниқ кўриниб шохаланган, учинчи ёшдагисида янада мукаммаллашган бўлади.

S.cameroni ғумбагини биометрик ўлчаш натижасида унинг ўртача

катталиги $3,17 \pm 0,055$ мм эканлиги. Ғумбак даврида эркак ва урғочи паразитларнинг ривожланиш муддатлари турлича кечиб ҳаво ҳарорати 24-26 даража бўлганда 15-18 кун ичида ғумбак тўлиқ етилади ва пилланинг юқори қисмини кемириб, қопқоқсимон тешикча очади ва ундан ташқарига чиқади.

Имаго ғумбак (куколка) даврида ҳашаротнинг барча имагинал аъзолари тўлиқ етилиб бўлгандан сўнг хўжайин пупарийсининг қўпчилик ҳолларда орка қисмларини тешиб тўлиқ шаклланган *S.cameroni* имагоси учиди чиқади.

Эркак *S.cameroni* кушандаси хўжайин пупарийсидан ривожланиб чиқиши биланоқ урғочисини оталантириш қобилиятига эгалиги аниқланди. Урғочи паразит хўжайин танасига тухум қўйишдан олдин уни яхшилаб текшириб сўнгра тухум қўйишга киришади. У заарланмаган ғумбакга хохиш билан тухум қўяди, заарланган ғумбакга тухум қўяётганда унинг тухум қўйиш муддати маълум вақтга чўзилади. Паразит ғумбакни заарланган ёки заарланмаганлигини унга тухум қўйгич аъзосини санчиб кўриш йўли билан аниқлайди. У тухум қўйгичини ғумбакни бир неча жойига санчиб кўриб, ўша жойдан чиққан суюқлик билан ҳам озиқланади.



1-расм *S.cameroni* ни икки кунлик тухуми
1 – олдинги оқиши қисми

2 – энсиз марказий оқ қисми

3 – кейинги ёруғ қисми

4 – тиниқ бўлмаган оралиқ қисми

2-расм А – I ёшдаги личинкани ташқи кўриниши.

Б - I ёшдаги личинкани бош қисми

Паст ҳароратда (5°C) сақланган хўжайин (чивин) ғумбакларини урғочи кушандалар ёмон танлашлари, музлатгичда сақланганларини эса умуман танламасликлари аниқланди. Заарланган ғумбакларда совутгичда ҳарорат 5 даражада кушанда ривожланиши текширилиб борилганда (ғумбакларни ёриб кўриш йўли билан), улар кузатишнинг 20-кунигача тирик қолиб, ундан кейинги текширишларимизда нобуд бўлганлиги аниқланди.

S.cameroni ни унга заарлаш учун берилаётган ғумбаклар сонини ўрганиш мақсадида тўрт гуруҳ ҳар бири 10 донадан урғочи кушандалар олиниб, уларга кунига 1, 2, 3, 5 донадан янги бир кунлик чивин ғумбаклари бериб борилди. Натижада ҳар бир тажриба гуруҳидаги паразитларнинг 6-7 таси хўжайнларни заарлашда қатнашишлари, битта урғочи паразит бир кунда иккитадан кўп ғумбакларни заарлай олмаслиги, берилаётган ғумбаклар сони уларни ғумбакларни заарлаш қобилиятига унчалик таъсир этмаслиги, битта паразит хаёти давомида 14 тагача ғумбакни заарлаши

кузатилди.

Spalangia турлари хўжайин танасига тухум қўймасдан уни нобуд қилиш хусусиятига ҳам эга. Энтомофаглар томонидан кўпроқ 2-3 ва 5-6 см гўнг қатламида жойлашган ғумбаклар заарланади. Чорвачилик фермаларида *S.cameroni* гўнгнинг 9-10 см чуқурлигида жойлашган ғумбакларини ҳам заарлаши мумкинлиги кузатилди.

Янги учеб чиқсан урғочи энтомофаг тухумдонида 20-24 тагача етук тухумлар бўлади. Лекин лаборатория шароитида паразитнинг реал авлод бериш қобилияти имкониятига қараганда пастроқ бўлди.

Табиатда *S.nigroaenea* паразитлари асосан сомон аралашган қорамол гўнгидан терилган турли хилдаги мусцидларнинг ғумбакларидан ажратиб олинди. Биотопларда ушбу паразитлар йилнинг февраль оидан ноябрь ойигача учрайди. Намлиги юқори сомон аралашган қорамол гўнгидан ривожланувчи ғумбакларни қушандада билан июлнинг учинчи ва августнинг иккинчи декадаларида шиддатли (41-43 фоизгача заарланиши кузатилди.

Muscidifurax raptor қушандаси турли мулк шаклидаги чорвачилик фермаларида гўнг қатламларидан терилган баъзи намуналарда уй чивини ғумбакларини заарлаши 60 фоизга етсада, табиатда *M.raptor* *S.nigroaenea* га нисбатан камроқ учрайди. Унинг ривожланиш даври ҳарорат 25°C даражада *S.nigroaenea* паразитига нисбатан қисқароқ бўлиб, эркаклари $17,3 \pm 0,7$ кун, урғочилари $18,8 \pm 0,1$ кунда етилади. *M.raptor* паразити *Spalangia* паразитларидан фарқли битта хўжайин танасига бир нечта тухум қўйиши (12 тагача) аниқланди, бу холатни уларда тез тез учраб туриши кузатилди. Битта хўжайин хисобига 1 та етук паразит ривожланиб чиқиши *S.nigroaenea* каби *M.raptor* га ҳам хос бўлиб, бироқ қушандани ривожланишини кузатиш жараёнида уч марта битта *M.d.vicina* ғумбагидан 2 тадан етук паразит ривожланиб чиққанлиги аниқланди.

S.cameroni, *S.nigroaenea* ва *M.raptor* паразитларининг қиёсий хусусиятлари: учта паразит ҳам мускоид чивинларнинг ғумбагида паразитлик қилиб биологик хусусиятлари билан ўхшашдир. *S.cameroni* ва *M.raptor* хўжайнларининг турлари *S.nigroaenea* ники каби кўп эмас. Учала турнинг урғочи жинсдагилари хўжайнларининг гемолимфаси билан озиқланади ва заарлашдан кўра озиқланиш учун кўпроқ ғумбакдан фойдаланиш хусусиятига эга. Бу эса берилган ғумбакларни юқори даражада 80 фоиз нобуд бўлишини таъминлайди.

Ўрганилаётган паразитларнинг биологиясида қатор муҳим фарқлар бор. Ҳарорат 25°C даражада *M.raptor* *Spalangia* турларига нисбатан тез ривожланади, яъни урғочилари 18,8, эркаклари 17,3 кунда етишади, *S.nigroaenea* ривожи нисбатан мос равишда 27,4 ва 25,5 кунда, *S.cameroni* ривожи эса нисбатан 31,3 ва 28,5 кунда етилади.

S.cameroni, *S.nigroaenea* ва *M.raptor* бир биридан авлод (насл) бериши бўйича кескин фарқ қиласи. Битта урғочи *S.nigroaenea* (хўжайнлар билан таъминланиш даражасидан қатъий назар) ўртача 16 та авлод берса, *S.cameroni* ўртача 11 та, *M.raptor* 28 тагача авлод беради.

Энтомофагларни қўпайтириш лаборатория шароитида уй чивинини

күпайтириш борасидаги тажрибалар инсектарийдаги садокларда ўтказилди. Кушандаларни күпайтиришда 0,2 - 0,1 литр ҳажмдаги шиша банка ва маҳсус пробиркалардан фойдаланилди. Идишларнинг оғзи оқ сурп (бяз) билан маҳкамланди. Уларни ривожлантириш давомида термостатда ва лаборатория шароитида 24-26 даражада ҳарорат, 65-70 фоизли намлик таъминланди.

Энтомофагларни күпайтириш мақсадида шиша идишлар ва пробиркаларга алоҳида 10-15-50 донадан паразитлар солинди ва уларга ҳар хил нисбатда 10, 20, 50, 100, 500 донадан янги ғумбаклар бериб борилди. Берилган ғумбаклар идишларда икки кун давомида сақланиб, кейин шу миқдордаги янги бир кунлик ғумбаклар билан алмаштирилиб турилди. Кушандалар шакар қиёми, асал шарбати, сув билан озиқлантирилиб борилди.

Энтомофагларни күпайтириш жараёнида уларга асал шарбати бериб турилса урғочиларининг сони камаймайди ва улардан узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги кузатилди. Кушандаларни тезроқ ривожлантириш учун заарланган ғумбакларни 30°C да сақланганда уларнинг ривожланиш жараёни сезиларли тезлашди. Намлиги 80 фоиз бўлган 3-4 даражали ҳароратдаги совутгичларга заарланган ғумбаклар солиб қўйилганда уларнинг етилишини секинлашиши (20-30 кунга) кузатилди.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида фермадаги бир бош сигирга ўртacha 250 донадан энтомофаг – паразит колонизация қилинганда энтомоид самарани ошиши аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида энтомофаглар фақатгина чивин ғумбакларида яхши ривожланишга мослашганлиги ҳамда биохилмаҳиллик ва биомувозанатга салбий таъсир қўрсатмаслиги аниқланди.

Энтомофагларни күпайтиришда уларга 24-48 соат ёшдаги чивин ғумбакларини 1:5 нисбатда таклиф қилиш яхши самара бериши исботланди.

Инсектарий шароитида зоофил чивинларни яъни энтомофаг хўжайнларини күпайтириш учун қўйидаги озуқа рационини тавсия этамиз: буғдой еми (0,9 кг), 1500 мл сув, 250 мл сут ёки обрат (ёғи олинган сут) аралашмаси. Озуқа маҳсулотини 0°C ҳароратдаги совутгичда узоқ муддат сақлаш мумкин.

Энтомофагларни қўллаш натижалари.

Кушандани амалиётда (чорвачилик фермаларида) қўллаш бўйича синов ишлари Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани ҳиссадорлик жамияти сут товар фермаси ҳудудида ўтказилди. Бунинг учун ферма гўнгхонасига август ва сентябрь ойларида ҳар сафар 2000 донадан лабораторияда етиширилган *Spalangia* энтомофаглари қўйиб юборилди. Энтомофагларни қўйишдан олдин биотопдан (гўнгхонанинг турли жойидан) 100 дона чивин ғумбаги териб келиниб, уларни паразитлар билан табиий заарланиши аниқлаб борилди. Ферма гўнгхонаси паразитлар қўйиб юборилгандан кейин, у ердан ҳар ҳафтада бир марта ғумбаклар терилиб уларни кушандалар билан заарланиши аниқланиб, маълумотлар тахлил қилиб борилди.

Августдаги тажрибаларимизда зоофил чивинларни кушандалар билан табиий заарланиши 10,5 фоиз бўлган бўлса, энтомофагларни қўллаганимиздан (колонизациядан) кейинги заарланиш (самара) 21,7 фоиз

бўлди. Чорвачилик фермасидаги сентябрь ойидаги кузатишларимизда зоофил чивнларни табиий заарланиши 11,2 фоиз бўлган бўлса, энтомофагларни қўллаганимиздан кейин зоофил чивинлар ғумбакларини заарланиши 35,5 фоизгача ошди.

Энтомофагларни синаш ишлари сентябрь–октябрь ойларида Сайхунобод туманидаги Ўзбекистон хўжалиги сут товар фермасида ўтказилди. Тажрибаларда ферма гўнгхонасига 2000 донадан *Spalangia* паразитлари колонизация усулида қўйиб юборилди. Гўнгхонага паразитлар қўйиб юборилгандан кейин у ердан ҳар ҳафтада бир марта чивинлар ғумбаклари териб келиниб улардан кушандалар ривожланиб чиқиши аниқланниб борилди.

Тажрибадан олдин ўтказилган текширишларимизда ферма худудида зоофил чивинлари ғумбакларини паразитлар билан табиий заарланиши 6,5-8,4 фоизни ташкил этган бўлса, гўнгхонага энтомофаглар қўлланилгандан кейин эса бу кўрсаткич 17-33 фоизни ташкил этди (З-жадвал).

З-жадвал

Spalangia кушандаларини чорвачилик фермаларида M.d.vicina популацияси микдорига таъсир этиши (Тойлоқ акционерлик жамияти СТФ)

Ойлар	Тажриба №	Колонизация килинган паразитлар сони	Колонизация натижалари		
			Ривожланган паразитлар, фоиз	Ривожланган чивинлар, фоиз	Нобуд бўлган ғумбаклар, фоиз
Июль	1	2000	16,2	59,7	24,1
	2	2000	13,4	57,3	28,7
Август	3	2000	22,1	51,5	26,4
	4	2000	21,3	53,7	25,2
Сентябрь	5	2000	35,5	42,7	21,8
	6	2000	31,3	45,1	23,6

Юқоридаги маълумотларга асосланиб хulosha қилиш мумкинки, бу турдаги кушандалар чорвачилик фермаларида зоофил чивинларига қарши қўлланилгандан, улар зоофил чивинлар – *M.d.vicina* сонини маълум даражада (2-4 баробар, 16,8-35,5 фоиз) камайтириши мумкинлиги кузатишларда аниқланди.

Диссертациянинг «**Зоопаразитозларга қарши курашда микробиологик усул**» деб номланган тўртинчи бобида чорва ҳайвонларини эктопаразитизоз касалликлардан муҳофаза қилишнинг экологияга ва ҳайвонлар организмига безарар бўлган микробиологик препаратлар борасида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

***Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* нинг маҳаллий штаммини «ЎзВИТИ М №1» кўпайтириш усуллари.** *Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штамми *Musca domestica* *vicina* Mcq. (уй чивини) нинг маҳаллий популяцияси личинкасидан ажратилган (Д.Вахидова, 2005 й.).

Ажратилган *Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* штамми Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти микроорганизмлар коллекциясига 1 раками билан киритилган (Давлат ветеринария бош бошқармаси, Ветеринария препаратлари Давлат назорати лабораторияси томонидан рўйхатга олинган, депонирование, 20.09.2000 й., №111-2/53) ва ЎзВИТИ да сақланмоқда. Ушбу штамм эндотоксин ва параспорал қристалли термостабил экзотоксин ҳосил қилиши билан бошқа штаммлардан фарқ қиласди.

Штамм қўйидаги хусусиятлари билан характерланади. *Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штамми *Bacillus thuringiensis Berliner*, 1912 штаммининг яқин авлод турларидан ҳисобланиб, бир йил давомида ҳаётчанлиги ва патогенлигини (жанубий уй чивини, бурунтомоқ уқраларига, кана, хомушак, бит, бурга имагосига (гематопинуслар, линогнатуслар), маллофаг (бовикола) ва бошқа эктопаразитларга нисбатан) йўқотмаган ҳолда суюқ ва қуюқ озиқа муҳитларда яхши ўсади. Қутилган препаратив формалари 5 йил давомида инсектицид фаоллигини йўқотмайди. Штаммнинг алоҳида жиҳатларидан бири кўп кислород (O^2) сақлайдиган шароит талаб қилмайди, аэроб муҳитда ўсади. Бактерияси яхши кўпайиш хусусияти билан ажралиб туради, уларни *Musca domestica vicina* личинкалари орқали осон пассаж қилиш мумкин, ёт микрофлораларга чидамли.

Культурал хусусиятлари. Гўшт пептон агарида (ГПА) икки типдаги колония ҳосил қиласди: оқ ёки кўк, ясси ёки юмалоқ, аниқ контурланган қийшиқ чизиқли хира колониялар, усти майда донали ёки тиниқ силлиқ. ГПА, гўшт пептон бульонида (ГПБ), гўшт пептон жигар-глюкоза бульонида (ГПЖГБ) яхши ўсади. Антибиотикларга сезгир - пенциллинга чидамли, стрептомицин, тетрамицин ва бш. таъсирчан. Лаборатория хайвонлари учун (куён, парранда, уй чивинларининг имагоси ва бш.) патогенли эмас.

Культурани ажратиш ва кўпайтириш. Бунинг учун чорвачилик фермалари гўнгхоналаридан уй чивинини личинка ва ғумбаклари терилади. Личинкалар аввал совук оқова сувда ювилади, сўнгра 70^0 спиртда дезинфекция қилинади (1-2 минут ичига солинади). Кейин улар бир неча марта спирт алангасидан ўтказилади. Соат ойнасида бир томчи физиологик эритмада майдаланади ва гомогенат ҳосил қилинади. Гомогенат томчиси Петри идишчасида ГПА қўшилади ($pH=7,8$) ва термостатга ҳарорат 37^0C да 24 соат қўйилади. 24 соатдан кейин ГПА дан ГПБ ($pH=7,8$) га экилади ва термостатга ҳарорат 37^0C да 24 соат қўйилади. Бир қатор такрор экмалар экилгандан кейин барқарор ўсган колониялар ҳосил қилинади. Термостатда кўпайтирилгандан сўнг штаммнинг алоҳида изоляция қилинган колониялари ўсган идишлар олинади. Культурани ГПБ дан ГПА га доимий равишда қайта экиш йўли билан юқори даражада тозалашга эришиш мумкин. Такрорий экишда бир жинсли колониялар ҳосил қилиш хусусиятини сақлаб қолган штаммлар ажратиб олинади.

Маҳсулотни тайёрлаш технологияси. Аввал *Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штаммидан ишчи материал тайёрланади. Бактерия штамми 37^0 даражада ҳароратда 24 соат давомида ўстирилди. Бирламчи экиш материали сифатида 0,5 литр ҳажмдаги ялпок

колбаларда ўстирилган споралардан фойдаланилади. Такрорий экишда бир жинсли колониялар ҳосил қилиш хусусиятини сақлаб қолган штаммлар ажратиб олинади. Озиқа муҳитига ўсишни яхшилаш учун глюкоза қўшилади. 2 литр ферментланган суюқликдан 10 грамм атрофида препарат олинади. Культурани ёт микрофлоралар билан зарарланмаслиги учун бу жараён микробиологик боксда олиб борилади. Ўстирилган колониялар озиқа муҳитлари юзасидан махсус мосламалар ёрдамида ажратиб олинади ва қўшимчалар (наполнитель бентонит ёки каолин, стерилланган кўча чанги) билан аралаштирилади.

Тажрибаларда қуён, қўй, товуклар препаратни юқори дозалари (10×10^{10}) билан озиқлантирилганда, уларнинг организмида салбий ҳолатлар келтириб чиқармади. Препаратни қуруқ шаклини қўйлар, йирик шохли ҳайвонларни терисига 25×10^{10} дозадан ортиқ спораларни қўллаганда ҳам зарарли таъсири кузатилмади.

Bacillus thuringiensis var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штаммини ҳайвонларни зоофил ҳашаротлари, эктопаразитлари ва энтомозларининг қўзғатувчиларига қарши самарали қўллаш дозалари аникланди (4-жадвал).

4-жадвал

***Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штаммини эктопаразитозларга қарши қўллаш меъёрлари**

№	Касалликлар номи	Қўзғатувчи номи	Самарали доза
1	Эстроз	Oestrus ovis (личинкаси)	0,3-0,5 г қуруқ кукун (қ.к.) 1 бош ҳайвонга
2	Йирик шохли ҳайвонларнинг бовиколёзи	Bovicola bovis B. ovis	25-40 г қ. к./ҳайвон 25-40 г қ. к./ҳайвон
3	Йирик ва майда шохли ҳайвонларни линогнатози, гематопинози	Linognathus vituli, Haematopinus eurysternus	25-40 г қ. к./ҳайвон 25-40 г қ. к./ҳайвон 25-40 г қ. к./ҳайвон
4	Ит ва мушукларни ктеноцефали-дози	Ctenocephalides canis C. felis	2-3 % сувли суспензия (с.с.), 50-70 мл/ҳайвон 2-3% с.с, 5 л/ҳайвон
5	Паррандаларни маллофагози	Menopon gallinae, menacanthus stramineus	2-2,5% с.с. 200-300 мл/ ҳайвон, 2-2,5% с.с. 200-300 мл/ҳайвон.
6	Эндофил чивинлар (кўпайиш жойи)	Musca domestica (личинкаси), Stomoxys calcitrans ва бш.	3% с.с. 1-3 л/м ² гўнг, 3% с.с. 1-3 л/м ² гўнг
7	Йирик ва майда шохли ҳайвонларни рипицефалёзи	Rhipicephalus bursa	3 % с.с.1-3 л/ҳайвон

Жадвалдан кўриниб турибдики, *Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штамми зоофил чивинлар, комарлар, ўқралар личинкаларига, бит, бурга, маллофаг, кана ва бошқа заарли бўғимоёқлилар имагосига нисбатан кенг доирадаги инсектицид ва ларвицид таъсир этиш хусусиятига эга.

Эктопаразитозларда ҳайвонларни дорилаш учун сувли суспензия ёки қуритилган шаклда субстрат қўшимчалар (бентонит, каолин ва бш.) аралаштирган ҳолда қўлланилади. Қўйларни эстрозида препарат сув билан аралаштирилиб ҳайвоннинг бурун йўлларига юборилади.

Bacillus thuringiensis var.*Thuringiensis* «ЎзВИТИ М №1» бактерия штамми инсонлар, ҳайвонлар, атроф муҳит ва фойдали фауна учун экологик безарап, ветеринарияда қўллаш учун – биоинсектицид олиш имкониятини беради. Биоинсектицидни эктопаразитларга курашишда қўллаш ҳайвонларни касалликлари ва ўлимини, маҳсулдорлигини пасайишини олдини олади ва хўжаликларни хавфли паразитар ва трансмиссив касалликлардан профилактика қилишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб *Bacillus thuringiensis* var.*Thuringiensis* УзВИТИ М №1 бактерия штамми қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг эктопаразитларига қарши биоинсектицид маҳсулоти олиш учун янги имконият (база) ҳисобланади. У ихтиро даражасига эга ва саноат (амалий) миқёсида қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Маҳаллий циперметриннинг зоопаразитозларга қарши қурашди қўлланиш тажрибалари**» деб номланган бешинчи бобида маҳаллий 25 фоизли циперметринни ҳайвонларининг эктопаразит ва эктопаразитозларига қарши қўллаш борасидаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Циперметрин – синтетик пиретроид препарат, унинг фаол таъсир этувчи моддаси далмат мойчечаги (*Pyrethrum cinerariaefolium*), кавказ мойчечаги (*P.carneum*) ўсимликлари таркибида табиий ҳолда учрайдиган перметринdir.

Қўлланилиш жабхаси ва самаралилиги бўйича инсектоакарицидлар гурухида циперметрин препарати биринчи ўринда туради. ВОЗ Методик қўлланмаси EUR (01) 5015707 рўйхатига киритилган, 2000. Циперметрин минимал дозаларда қўлланилганда ҳам (10-100 г/га, 0,006-0,4 мл/бош ҳайвонга) юқори паразитоцид самара кўрсатади. Масалан, циперметриннинг ишчи эмульсияси фосфорорганик хлорофосга (эталон) нисбатан 70 карра кам дозада ҳам паразитоцид самара кўрсатиши мумкин. Инсон ва атроф муҳит учун фосфор- хлор- карбамат ва бш. органик инсектоакарицидларга нисбатан кам заарли, биотик ва абиотик экологик факторлар таъсирида тез деградацияга учрайди (парчаланади, заарсизланади). Унда эмбриотоксик, мутаген, тератоген, канцероген таъсирлар кузатилмаган.

Арахноэнтомология лабораторияси ижодий гурух (А.Рўзимуродов, З.Мардиев, Ф.Пўлатов, Ф.Аширов ва бошқалар) ходимлари билан

ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида циперметрин қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг 30 хил паразитоз (энтомоз ва акароз) касалликларига қарши курашда республика миқёсида қўллаш учун тавсия этилди (Ўз.Р. Давлат ветеринария бош бошқармаси тасдиги, 2001, 2008, 2010, 2016 йй.). Препарат чорвачиликда тарқалиши мумкин бўлган паразитоз касалликлардан даволаш (терапия, дезинсекция ва дезакаризация) ҳамда табиий ўчоқли, трансмиссив касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатувчи қон сўрувчи кана ва ҳашаротларга қарши қўллаш учун тавсия этилган.

Циперметрин қўйидаги паразитоз касалликлардан, жумладан:

а) акарозлар – қорамоллар боофилёзи, гиаломматози, қорамол ва қўйлар дермаценторози, қорамол, қўй ва бш. ҳайвонлар рипицефалёзи, иксодеози, гемафизалёзи, қўйлар алвеонасози, қўй, қорамол ва бш. ҳайвонлар псороптозлари, хориоптозлари, демодекозлари, қўй ва эчкilar саркоптозлари, парранда аргазидозлари, тuya ва отлар қўтирилганни касалликларидан;

б) энтомозлар – қорамоллар гиподерматози, қўй эстрози ва мелофагози, эчкilar кривеллиози, қорамол ва қўйлар линогнатози, қорамол ва тоқ тўёкли ҳайвонларни гематопинози, липейрози, итлар ва мушуклар триходектози ва ктеноцефалидозларидан даволашда юқори терапевтик самара кўрсатади;

в) одам ва ҳайвонларнинг - ўлат, Ўрта Осиё (Крим) ва Томди геморрагик иситмалари, кана энцефалити, туляремия, қайталовчи тиф, малярия, лейшманиоз, трипаносомоз, тошмали тифи, кана тамғали иситмаси, тейлериоз ва пироплазмидозлар каби қўплаб (100 хилдан ошик) трансмиссив касалликлар қўзғатувчиларини специфик тарқатувчилари (иксад, гамаз, аргас каналари 50 турдан ошик), қон сўрувчи ҳашаротлар (пашия, москит, мошка, сўна, бурга, бит, маллофаг, зоофил ва синантроп мускоидлар ва бш.) га нисбатан кучли акарицид ва энтомоцид (паразитни асаб тизимини фалажловчи агрегатив, нокдаун) таъсирга эга.

Циперметрин иссиқ қонли ҳайвонлар учун оғиз орқали юборилганда ўртacha заҳарли (каламушлар учун LD_{50} – 242-542 мг/кг), ҳашаротларга нисбатан юқори заҳарли (уй чивинларининг лаборатория популяциялари учун LD_{50} – 0,313 мкг/т, дала популяциялари учун – 0,383 мкг/т) Экто- ва эндопаразитларга фосфорорганик ва карбамат бирикмаларига нисбатан кучли (631,8-1415,1 карра зиёд) танлаб таъсир қилиш коэффициентига эга.

Препаратнинг қўланилиши. Циперметрин қорамол, қўй, эчки, от, эшак, тuya, парранда ва бошқа ҳайвонларни, чорва биноларини заарли ҳашарот ва каналарга қарши дезинсекция ва дезакаризация қилишда қўллаш учун тавсия этилиб, препарат чорвачилик хўжаликларида синааб қўрилиб юқори самара берадиган концентрация ва дозалари аниқланди.

Циперметриннинг дуст шакли ҳамда паст концентрациядаги сувли эмульсиялари билан (0,0125-0,015 фоизли, 1,5-4 литр/бош) ҳамда кичик ҳажмли (0,5-1,0 фоизли, 40-80-100 мл/бош) усулда дориланган ҳайвонлар маҳсулотлари (сут, гўшт ва бш.) таркибида препарат қолдиги топилмади. Препаратни 0,25-0,125 фоизли сувли эритмалари эктопаразитларга қарши фосфорорганик,ベンзимидазол карбамат препаратларига нисбатан 5-10 карра самаралидир.

Эктопаразитозлардан даволашда қўлланилиши Ҳайвонлар сакланадиган бино ва қўтонлар асосан эрталаб дераза ва эшикларни очиб қўйган ҳолда моллар чиқарилгач препаратнинг 0,015-0,025 фоизли сувдаги эритмаси билан 50-75 мл/м² ҳисобида намни шиммайдиган (ойна, шкаф, краскаланган тахта) юзаларига, 100-200 мл/м² ҳисобида нам шимадиган юзаларга (фишт, девор ва бш.) сепилади. Бино ва қўтонлар ҳайвонларни эктопаразитлар билан заарланиш даражасига қараб дезинсекция қилинади. Бундай ишловлар ойига бир-икки марта такрорланади.

Эктопаразитларга қарши қўй, эчкilarни ванна (чўмилтириш) усулида дориланганда циперметриннинг 0,0125-0,025-0,03 фоизли сувли эмульсияси билан, қорамолларни 0,015-0,025 фоизли сувли эмульсиялари билан, 0,05-0,1 фоизли дуст шаклида индивидуал дорилаш ижобий самара беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон зообиоценозлари (иккиламчи биоценоз ёки чорвачилик фермалари) шароитида 27 турга мансуб патоген эктопаразит хамда инфекция ва инвазия тарқатувчи зоофил ҳашоратлари тарқалган бўлиб, шулардан *M.d. vicina* доминант, *S. calcitrans* субдоминант турлар ҳисобланади. *P.alternata*, *S.pallidiventris*, *C.supplicans*, *S.fuscipes* Ўзбекистон зоофил чивинлари фаунасида янги турлар ҳисобланади.

2. Тадқиқотлар натижасида копробионтларда зоофил ҳашаротларнинг 19 турдаги (4 таси тадқиқотларда янги энтомофаг сифатида аниқланди) паразит энтомофаглари учраши аниқланди. Улардан *S.nigroaenea* доминант, *S.cameroni*, *M.raptor* турлари субдоминант мавқега эгадирлар. Улар табиатда 10 турдан ошиқ зоофил чивинларни биологик регуляциясида иштирок этади.

3. *S.cameroni* онтогенези икки босқичда, яъни эмбриональ (тухум қобиги ичида) ва постэмбриональ (тухум қобигидан ташқарида) ривожланиш йўли билан кечади. Кейинги босқичда тўлиқ метаморфазали ўзгаришларни (Holometabolo) личинка, ғумбак (паразит пилласи ичида) ва имаго фазаларини ўтайди.

4. *S.cameroni* тухум бошқа шу авлодга мансуб бўлган турларнинг тухумларидан а) хажми кичикроқ ($0,496 \pm 0,005 \times 0,197 \pm 0,008$ мм), б) ўзаги (ядроси) ёйилган (диффуз) ҳолда, в) олдинги оқиш қисми, энсиз марказий оқ қисми, кейинги ёруғ ва тиниқ бўлмаган оралиқ қисмлари билан фарқ қиласи.

5. *S.cameroni* личинкалари гименоптероид типда бўлиб, хўжайнин организмида (пилласи ичида) ривожланади. Танаси ҳамда мандибуласини ўлчамлари, ички органларини ривожланиши билан фарқ қиласи. Жумладан, биринчи ёшдаги личинкалар танасида бўртиқчалар йўқ, иккинчи ёшдаги личинкаларда бўртиқчалар ўрни кўрина бошлайди, учинчи ёшдагисида бўртиқчалар яхши тарақкий этган бўлади, трахеяси биринчи ёшдаги личинкада ривожланмаган, иккинчи ёшдагисида аниқ кўриниб шохланган, учинчи ёшдагисида эса янада мукаммаллашган бўлади.

Биринчи ёшдаги личинкаларнинг ривожланиши ҳаво ҳарорати 24-26

даражада бўлганда 4-5 кунда, иккинчи ёшдагиси 2,5-3 кунда, учинчи ёшдагиси 4-5 кунда кечади, унинг тўлиқ метаморфози 31-34 кунда юз беради.

6. Урғочи паразитнинг жинсий тузилмаси яхши ривожланган бўлиб ўлжасининг танасига биттадан етитагача тухум қўяди, умри давомида ўртacha 11-12 та авлод беради, 14 тагача хўжайнини заарлаб нобуд қиласди. Бошқа кушандалардан (жумладан *M. raptor* дан) фарқли намлиги 60-80 фоиз бўлган субстратларда 9-10 см чуқурликгача жойлашган ўлжаларини заарлай олади. 5 даражадан паст ҳароратда сақланган хўжайнин ғумбакларини заарламайди.

7. *S.cameroni* табиий популяциялари зообиоценозларда 16,0 фоизгача, маҳсус ўtkазилган эксприментларда эса заарли чивинлар сонини 35,5 фоизгача камайтиради. Бу кушандани чорвачилик ферма (мулк шаклидан қаътий назар) ва комплексларида зофил чивинларнинг сонини регуляция қилишда биологик восита (энтомофаг) сифатида самарали қўллаш мумкин.

8. *Bacillus thuringiensis* штаммининг *Thuringiensis* варианти асосида тайёрланган маҳаллий ЎзВИТИ м №1 бактерия штаммидан тайёрланган биоинсектициднинг 1,5 фоизли сувли суспензияси қўйларнинг эктопаразитларига қарши 82,4-87,8 фоиз, маллофагларга қарши 78-90 фоиз, бовиколаларга эса 97,5 фоиз энтомоцид самара берди.

9. Маҳаллий ЎзВИТИ М №1 бактериал биоинсектициди битоксибациллин каби қўйлар организмига турли хил усуслар билан юқори дозаларда юборилганда ҳам салбий таъсир қўрсатмаслиги аниқланди.

10. Маҳаллий штамм ЎзВИТИ М №1 биоинсектицидини қўйларнинг эктопаразитозлари ва эстроз касалликларига қарши экология, инсон ва ҳайвонлар соғлигига хавфсиз микробиологик препарат сифатида кенг қўллаш мумкин.

11. Маҳаллий фитоасосли пиретроид циперметрин эктопаразитларга қарши энг самарадор препарат бўлиб хлорофосга нисбатан эктопаразитларга 39-56 баробар кучли таъсир этади.

12. Эктопаразитларга қарши қўйларни дорилаганда 25 фоизли циперметрин препаратининг 0,015 фоизли сувли эритмаси 50-100 мл/бош ҳажмда, биноларни дезинфекция қилганда тахтали ва ғиштли юзаларга 50-100 мл/м² ҳажмда, шувалган (штукатуркали) юзаларга 150-200 мл/м² ҳисобида қўллаш тавсия этилади.

13. Маҳаллий циперметрин препарати ҳайвонлар организми учун ингаляцион, эмбриотоксик, тератоген, мутаген, канцероген таъсирга эга эмас, холинэстераза ферменти активлигини пасайтирумайди (ВОЗ қўлланмаси). Препарат одам ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг табиий ўчоқли, трансмиссив (ўлат, геморрагик иситма, туляремия, кана энцефалити, безгаг, лейшманиоз ва бошқ.) касалликлари қўзғатувчларининг Vector тарқатувчиларига қарши курашда қўлланилиши мумкин.

14. Энтомофаглар, «ЎзВИТИ М №1» биоинсектициди, битоксибациллин, ўсимлик пиретроиди циперметринни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва чорвачилик биноларини (биоценоз, зообиоценоз) патоген паразитлари ва зоопаразитозларига қарши интеграциялашган тизимини яратишда самарали қўлланилиши мумкин.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST of PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Мавланов С. “*Spalangia cameroni*” нинг биологик хусусиятлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.–Тошкент, 2000.-№1. Б. 59-60. (16.00.00 №3)
2. Мавланов С.И. Энтомофаглар-зоофил чивинларга қарши курашда биологик восита. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси.–Тошкент, 2000.-№1. Б. 60-62. (16.00.00 №4)
3. Рўзимуродов А.Р., Мавланов С.И. Зоопаразитозлар нозологияси ҳакида. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси.–Тошкент, 2001.- №2 (4). Б. 48-49 (03.00.00. №8).
4. Рўзимуродов А., Мавланов С., Пўлатов Ф. Биотоксибациллин экто ва эндопаразитларга қарши. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.– Тошкент, 2001. - №3. Б.62-63 (16.00.00 №3).
5. Рузимурадов А., Мавланов С., Пулатов Ф., Аширов Г. Эффективность циперметрина против эктопаразитов. // Сельское хозяйство Узбекистана.– Ташкент, 2001.-№5. С. 24-25 (16.00.00 №3).
6. Мавланов С.И. *Spalangia cameroni* ни морфологик хусусиятлари. // Ўзбекистон биология журнали.–Тошкент, 2001.-№4. Б.59-64. (03.00.00. №5)
7. Мавланов С.И. Энтомофаги зоофильных мух. // Ветеринария.-Москва, 2002.-№1. С. 33-35. (16.00.00. №3)
8. Мавланов С.И. Биоморфологические особенности *S.cameronii*. // Аграрная наука.-Москва, 2002.-№2. С. 27-28.
9. Рўзимуродов А., Мавланов С., Пўлатов Ф., Аширов F. Циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясини чорвачиликда экто ва эндопаразитларга қарши қўллаш ҳакида тавсиянома. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.–Тошкент, 2002.-№2. Б. 56-58 (16.00.00 №3).
10. Мавланов С., Рўзимуродов А. Битоксибациллининг қўйчиликда қўлланилиши. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.–Тошкент, 2002.-№4. Б. 57-58 (16.00.00 №3).
11. Булханов Р., Йўлдошев Р., Мавланов С., Мирзаев Б. Эктопаразитлар. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.–Тошкент, 2003.-№9. Б.27-28 (16.00.00 №3).
- 12.Патент ЎзР №IAP 02942 Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари эктопаразитларига қарши биоинсектицидни олиш учун *Bacillus Thuringiensis* var. *Thuringiensis* УЗВИТИ М №1 бактерияларнинг штамми / Рузимуродов А., Вахидова Д., Мавланов С. // Расмий ахборотнома. -Тошкент -2005. №.
13. Мавланов С.И. Ветеринария фани ютуқлари. // Зооветеринария.-Тошкент, 2007.- журналнинг нишона сони. Б.15 (16.00.00 №4).
14. Мавланов С.И., Салимов Х.С. Наслли қорамолларни сақлаш ва парвариш қилиш муаммолари. // Зооветеринария.-Тошкент, 2008.-№11. Б.45-46 (16.00.00 №4).

15. Мавланов С., Рўзимуродов А., Куччиев У. Чорвани хавфли трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилинг. // Зооветеринария.-Тошкент, 2010.-№8. Б.42-45 (16.00.00 №4).
16. Мавланов С.И. Биологические методы борьбы с эктопаразитами животных. // Ветеринария.-Москва, 2011.-№10. С.38-40 (16.00.00 №3).
17. Мавланов С. Ёз фаслида чорва моллариға қандай ветеринария тадбирлари қўлланилади?. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2012.-№7. Б.10 (16.00.00 №3).
18. Мавланов С. Ахмедов Б. Чорва қишлови - масъулиятли мавсум. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2012.-№10. Б.10-11 (16.00.00 №3).
19. Mavlanov S. Role of entomophagous in struggle against harmful insects. // International Journal of Applied Research. Volume 2. Issue 11, November 2016, Monthly.P.159-161. India.

II бўлим (II часть; II part)

20. Мавланов С., Абдусаттаров А. Экология ва фойдали ҳашаротлар. // Табиий ландшафтларнинг экологик муаммолари. - Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.- Қарши: 1999. Б. 118 -119.
21. Мавланов С.И. Изучение морфологии “S.cameroni”. // Проблемы пастбищного животноводства и экологии пустынь. Материалы международной научно-практической конференции.-Самарканд: 2000.С.84-86.
22. Карабаев К., Абдусаттаров А., Мавланов С., Хушвақтов И. Қишлоқ хўжалигини юритишда фермерларга қўлланма. // ТАСИС программаси бўйича.–Тошкент, 2000.
- 23.Мавланов С. Энтомофаглар биологик кураш воситаси. // Тавсиянома.–Самарқанд, 2001. Б. 3-12.
- 24.Рўзимурадов А., Мавланов С., Пўлатов Ф., Аширов Ф. Циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясини чорвачилиқда экто ва эндопаразитларга қарши қўллаш ҳақида. // Тавсиянома.–Самарқанд, 2001. Б. 3-7.
25. Рузимурадов А., Мавланов С., Аширов Г. Инсектоакарицидность перицина. // Проблемы энтомологии и арахнологии.-Сб. научных трудов. РАСХН, ВНИИВЭА.–Тюмень, 2001.-С. 233-235.
26. Мавланов С.И. Зоофил ҳашоратлар кушандалари. // Ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликларини тарқалиши ва олдини олиш мониторинги.-Халқаро илмий конференция маъruzалари матнининг тўплами.–Самарқанд: 2001. Б. 91- 92.
27. Мавланов С.И. Чорвачилиқда фойдали ҳашаротларнинг аҳамияти. // Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг илмий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция маъruzаларининг тезислари.-Тошкент: 2001. Б. 295 -296.
28. Карабаев К., Абдусаттаров А., Мавланов С., Хушвақтов И. Қишлоқ хўжалигини юритиш. // ТАСИС программаси бўйича. – Тошкент, 2001.

- 29.Рўзимуродов А., Мавланов С. Биологик препарат битоксибациллинни чорвачиликда экто- ва эндопаразитларга ҳамда хавфли трансмиссив касалликларни тарқатувчи ҳашаротларга қарши қўллаш ҳақида. // Тавсиянома.–Самарқанд, 2002. Б. 3-9.
30. Mavlanov Sabirjan Combating desertification in Uzbekistan. // International Symposium on Combating desertification “Strategies for yellowsand prevention”. - Seoul, Korea, 2002.-P.65-70.
31. Мавланов С.И. Борьба против эктопаразитов в дехканских хозяйствах. // Илмий-амалий конференция материаллиари.–Самарқанд: 2003.
32. Мавланов С.И. Эстрозга қарши битоксибациллинни қўллаш. // “Ветеринария соҳаси учун дори-дармонлар яратиш, синтез қилиш ва ишлаб чиқариш муаммолари” Республика илмий-амалий конференция маъruzалари тўплами.–Самарқанд: 2004. Б. 37-38.
33. Рузимуродов А., Кадирова Г., Пулатов Ф. Применение энтомофагов в животноводстве. // Наставление.–Самарканд, 2005. С. 3-12.
34. Ruzimuradov A., Mavlanov S., Kadirova G., Pulatov F. Practical use of entomophagues in stock-breeding. // Approved Ministry agriculture and water resources of the Republic of Uzbekistan.-Samarkand.-2006.-P.3-12.
35. Рўзимуродов А., Мавланов С., Пўлатов Ф. Циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясини чорвачиликда экто ва эндопаразитларга қарши қўллаш ҳақида (қайта ишланган). // Тавсиянома.–Самарқанд, 2008. Б. 3-10.
36. Мавланов С.И., Саттаров Ў.Қ., Элмурадов Б.А. Четдан келтирилган наслли молларни касалликлардан асранг. // “Чорвачилик ҳамда ветеринария фани ютуқлари ва истиқболлари” Республика илмий-амалий конференцияси.–Самарқанд: 2010. Б. 18-21.
37. Мавланов С.И., Салимов Х.С. Состояние и перспективы развития сотрудничества научных исследований по особоопасным болезням. // Роль ветеринарной науки и практики в эффективном развитии животноводства. Материалы международной научно-практической конференции.-Алматы: 2012. С. 341-347.
38. Мавланов С.И. Ветеринария фани ривожида инновациянинг роли. // “Innovatsion faoliyatning rivojlantirishda ilmiy-tehnik axborotning o’rni” мавзусидаги Халқаро илмий-техникавий анжумани материаллари.-Тошкент: 2012. Б.57-59.
39. Рўзимуродов А., Мавланов С., Исмаилов А. Йирик ва майда шахли ҳайвонлар, от ва туялар эктопаразитларига қарши курашиш тўғрисида. // Йўриқнома.–Самарқанд, 2016. Б. 3-11.

Автореферат «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали таҳририятида
таҳрирдан ўтказилди

Бичими 60x84¹/16. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи: 5.25. Адади 100. Буюртма № 36.

«ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси» босмахонасида чоп этилган.

Босмахона манзили: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13-уй.